РУСТАМ ШАРИПОВ
ХИЛОЛА ШАРИПОВА

# ЮРИДИК ТЕРМИНЛАРНИНГ ЎЗБЕКЧА-РУСЧА ЛУҒАТИ

# УЗБЕКСКО-РУССКИЙ СЛОВАРЬ ЮРИДИЧЕСКИХ ТЕРМИНОВ



УУК: 81’374: 340
КБК: 81.2-4: 67
Ш-25

**Шарипов Р.Х., Шарипова Х.Р.**
Юридик терминларнинг ўзбекча-русча луғати / Узбекско-русский словарь юридических терминов. Р.Х.Шарипов, Х.Р.Шарипова. – Тошкент: “Dimal‘ нашриёти, 2025 й. – 262 бет.

Мазкур нашр луғатчилик илми анъаналари ва талаблари асосида тайёрланган бўлиб, унга махсус юридик терминлар билан бир қаторда юридик амалиёт, назария, илм-фан ва таълим жараёнида кенг қўлланадиган сўзлар ҳам киритилган. Луғатдаги ўзбек ва рус тилларидаги терминлар кирилл ёзувида берилиши билан бир қаторда, шу ернинг ўзида ўзбек тилидаги терминларнинг лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги муқобиллари ҳам келтирилган. 4000дан ортиқ юридик терминларни ўзида жамлаган ушбу луғат юридик таълим ва илм-фан билан шуғулланадиган мутахассислар, олий таълим муассасалари талабалари, магистрлари, тадқиқотчилари, аспирант ва докторантлари билан бир қаторда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалиётчи ходимлари учун ҳам фойдали бўлади деган умиддамиз.

Мазкур ўқув луғати Тошкент давлат шарқшунослик университети Жадидшунослик илмий-тадқиқот маркази ҳамда Тошкент давлат юридик университети кўмагида тайёрланди ва нашр этилди.

Масъул муҳаррир:
**Исламбек Рустамбеков,**
юридик фанлар доктори, профессор.

Тақризчилар:
**Нодирахон Пўлатова,**
юридик фанлар доктори;

**Ҳулкар Хамроева,**
филология фанлари доктори.

Тошкент давлат шарқшунослик университети
Таржимашунослик, тилшунослик ва халқаро журналистика
Олий мактабининг 2025 йил 9 январдаги мажлиси 19-сон
қарори билан нашрга тавсия этилган.

ISBN 978-9910-0000-0-3

© Р.Х.Шарипов, Х.Р.Шарипова, 2025.
© “Dimal‘ нашриёти, 2025.

# СЎЗ БОШИ

Қўлингиздаги юридик терминлар луғати ўзбек ва рус тилларида тайёрланган бўлиб, унда кирилл ёзувидаги вариантлар билан бир қаторда ўзбек тилидаги терминларнинг лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги муқобиллари ҳам келтирилади. Фикримизча, ушбу луғат таълим ва амалиёт жараёнида фойдали қўлланмагина бўлмай, балки аҳолининг кенг қатламлари ўртасида ҳуқуқий билимни ошириш ва маданиятни кўтаришга хизмат қиладиган нашр бўлиб қолади.

“Юридик терминларнинг ўзбекча-русча луғати”ни тайёрлашда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларидан, Кодекслардан, илмий ва ўқув юридик адабиётлардан, луғатлардан кенг фойдаланилган.

Мазкур нашр луғатчилик илми анъаналари ва талаблари асосида тайёрланган бўлиб, унга махсус юридик терминлар билан бир қаторда юридик амалиёт, назария, илм-фан ва таълим жараёнида кенг қўлланадиган сўзлар ҳам киритилган. 4000дан ортиқ юридик терминларни ўзида жамлаган ушбу луғат юридик таълим ва илм-фан билан шуғулланадиган мутахассислар, олий таълим муассасалари талабалари, магистрлари, тадқиқотчилари, аспирант ва докторантлари билан бирга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг амалиётчи ходимлари учун ҳам фойдали бўлади деган умиддамиз.

*Муаллифлар*

## Шарипов Рустам Хуснитдинович



**Шарипов Рустам Хуснитдинович,** таникли адабиётшунос ва ҳуқуқшунос олим. Филология фанлари доктори. Тошкент давлат шарқшунослик университети Жадидшунослик илмий-тадқиқот маркази директори, Таржимашунослик, тилшунослик ва халқаро журналистика олий мактаби доценти.

“Замон. Шеърият. Услуб” (1992), “Туркистон жадидчилик ҳаракати тарихидан” (2002), “Жадид адабиётида янгиланиш, ислоҳот ва мустақиллик учун кураш” (2005), “Миллий озодлик ғоялари шарқ маърифатпарварлари талкинида” (2022), “Жадид адабиётида янгиланиш, ислоҳот ва мустақиллик учун кураш ғояларининг акс этиши” (2023), “Эътиқод ва ижод” (2024) монографиялари, “Ўзбек адабиёти” (2025) дарслиги, “Ўзбекистон халқлари сиёсий-ҳуқуқий таълимотлари тарихи” (2004), “Бадиий таржима” (2021), “Коррупцияга қарши курашиш соҳасида халқаро стандартлар ва хорижий давлатлар тажрибаси” (2023) ўқув қўлланмалари “Туркия манзаралари” (1998), “Аҳмад Заки Валидий Тўғон” (1998), “Жадидчилик ҳаракати сарчашмалари” (1999), “Туркистон жадидларининг сиёсий-ҳуқуқий қарашлари” (2002), “Ижтимоий янгиланишдан адабий янгиланиш сари” (2005), “Жадидчилик: сиёсий, ҳуқуқий ва бадиий қарашлар уйғунлиги” (2006), “Туркистон саҳифаси” (2021) рисолалари, ўндан ортиқ юридик луғатлари, икки юздан ортиқ илмий ва оммабоп мақолалари эълон қилинган.

## Шарипова Ҳилола Рустамовна



**Шарипова Ҳилола Рустамовна,** таникли ҳуқуқшунос олима. Тошкент давлат юридик университети Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси катта ўқитувчиси. Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

“Халқаро технологиялар трансферининг ҳуқуқий тартибга солиниши” (2023), “Dijital devlet yonetisiminin teorik ve hukuki temelleri” (2024, Ankara), “Англо-саксон ҳуқуқ тизимида интеллектуал мулк ҳуқуқини тартибга солиш масалалари” (2025) монографиялари, “Инглиз ҳуқуқида интеллектуал мулк ҳуқуқи асослари” (2024) ўқув қўлланмаси, “Ўзбек тили юридик терминларининг кирилл ва лотин ёзувидаги муқобиллари луғати” (2004), “Ўзбекистон Республикаси Фукаролик ва Фукаролик-процессуал Кодекслари терминларининг ўзбекча-русча-немисча луғати” (2005), “Миллий конунчиликдаги асосий ҳуқуқий тушунчаларнинг изоҳли луғати” (2021), “Юридик терминларнинг ўзбекча-туркча луғати” (2022), Ўзбекистон ва хорижий нашрларда йигирмадан ортиқ илмий маколалари эълон қилинган.

ISBN 978-9910-6558-5-0